

ХАЛҚ ЧОЛГУЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Джуманиёзов Ў.М.

Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали

Аннотация: Мазкур мақола халқ чолгуларини такомиллаштириш ва реконструкция масалаларига бағишланган. Кўтарилган мавзу В. Беляев, Ф. Кароматов, Ф. Содиков, Г. Кузнецова, А. Дадамухамедов, А. Гочбакаровларнинг илмий-амалий изланишларидан келиб чиқиб ёритилган. Ижрочилик амалиётида қўлланилаётган халқ чолгуларининг тарихий ва замонавий такомиллашуви босқичма-босқич ўрганилиб қиёсий таҳлил этилди. Айниқса рубоб-прима чолгусининг бугунги кун созандалари томонидан олиб бораётган тарғиботи ва уларнинг натижалари хусусида ҳам қисқача тўхталган.

Таянч сўзлар: чолгу ижрочилиги, чолгушунослик, музика маданияти, рубоб прима, технология, оркестр, ансамбль ва бошқалар.

Аннотация: Данная статья посвящена совершенствованию и реконструкции народных инструментов. Поднятую тему на основе научных и практических исследований В. Беляева, Ф. Кароматова, Ф. Садыкова, Г. Кузнецовой, А. Дадамухамедова и А. Гочбакарова. Поэтапно изучено и сравнительно проанализировано историческое и современное совершенствование народных инструментов, используемых в исполнительской практике. В частности, также кратко обсуждались вопросы продвижения инструмента рубоб-прима современными музыкантами и их результаты.

Ключевые слова: музыкальное исполнительство, инструментальная наука, музыкальная культура, оркестр, технология, оркестр, ансамбль и т.д.

Annotation: This article is devoted to the improvement and reconstruction of folk instruments. A topic raised on the basis of scientific and practical research by V. Belyaev, F. Karomatov, F. Sadykov, G. Kuznetsova, A. Dadamukhamedov and A. Gochbakarov. The historical and modern improvement of folk instruments used in performing practice is gradually studied and comparatively analyzed. In particular, the promotion of the rubob-prima instrument by modern musicians and their results were also briefly discussed.

Keywords: musical performance, instrumental science, musical culture, orchestra, technology, orchestra, ensemble, etc.

Музика чолгуларини реконструкция қилиш ва такомиллаштириш уларни янги технология асосида, муайян конструктив ўзгартиришлар қиритиш билан ясашни англатади. Ундан асосий мақсад товуш (оҳанг) хусусиятларини яхшилаш, чолгуларда янги техник имкониятлар яратиш, тембр (товуш туси) нозикликларига эришиш, ўн икки босқичли равон суратларга бўлинган хроматик тузилмаларни жорий этиш, товуш

каторларини кенгайтиришдир. Демак реконструкцияга бўйсунган мусиқа чолгуларини такомиллаштириш чолгуларни мустаҳкамлилигини, айрим қисмларни сезгирлигини оширишни, товуш (оҳанг) ҳосил қилиш сифатини замонавий ижрочиликнинг юксак техник ва бадиий талабларига жавоб бера оладиган даражада яхшилашни англатади [4:46-47].

Мусиқа маданиятининг умумий тараққиёти билан боглиқ бўлган чолгуларни такомиллаштириш, халқ ижрочилик санъати ривожини учун катта имкониятлар яратди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек халқ чолгуларида ижрочиликнинг ривожланиши билан бирга халқ чолгуларига ҳа қизиқиш кучайди. Бу даврга келиб ҳамма вилоятларла халқ чолгулари оркестрлари ва ансамблларининг турли хиллари шаклланди. Халқ чолгуларининг асосий типлари барқарорлик касб этди. Бу эса ўз навбатида уларни такомиллаштириш йўлларини илмий равишда излашга олиб келди.

Илк бор 1887 йилда В. В. Андреев (1891-1918) халқ чолгуларини такомиллаштириш ва халқ чолгулари оркестри тузиш гоёси билан чиқди. Иқтидорли мусиқа усталари Ф. С. Пасербский ва В. В. Иванов билан ҳамкорликда В. В. Андреев дастлабки хроматик балалайка, кейинроқ эса унинг пикколодан контрабасгача бўлган оркестрдаги турдош хилларини ясади. Халқ балалайкасига 12 босқичли суръатларга бўлинган товуш қаторли концерт чолгусига айланди.

20-йиллар ўрталарида таниқли аран чолгучиси В. Г. Буни Ереванда реконструкция қилинган халқ чолгуларидан иборат ансамбл тузди. Унинг таркибига тутек, дудук, зурна, соз, тор, кемонча туркумлари ва урма зарбли чолгулар кирган. 1934 йилда оркестр Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлди. Оркестр раҳбари В. Буни Санъатшунослик илий-тадқиқот институтида халқ чолгуларини такомиллаштириш билан тажрибалари билан ўртоқлашди. Қозоқ бастакори, чолгушунос олим А. К. Жубанов ҳам қобизнинг турдош оиласи хроматик дўмбра, даупаз, кичик барабан ва учбурчак туркумлардан тузилган такомиллаштирилган оркестр тўлди (1934).

Бастакор Узеир Ҳожибеков радио қўмитаси қошида фаолият кўрсатган нота асосидаги биринчи Озарбайжон халқ чолгулари оркестрини тузди. Оркестр кеманча, тор, дудук (балабан), зурна, деф (доира), ногора каби чолгулардан иборат бўлиб, унинг бадиий раҳбари ап дирижёри У. Ҳожибековнинг ўзи эди.

Қардош халқлар мусикаси тадқиқотчиси В. М. Беляев ўзининг “Ўзбекистоннинг чолгу асбоблари чолгу асбоблари” китобида (Москва, 1933) бой ўзбек халқ чолгуларини такомиллаштириш ва унинг зарурлиги муаммосини кўтариб чиқди. У ҳозирги пайтда универсал нота ёзиш воситаси сифатидаги Европа нота ёзуви асосида ўзбек мусиқа чолгуларининг стандарт тузилишини аниқлашни таклиф этди.

Ўзбек халқ чолгулари хилма-хил бўлганлиги учун уни такомиллаштириш ниҳоятда қийин вазифа эди. Бу ниҳоят узоқ давом этган ва мураккаб жараён бўлди. Шу сабабли ҳам халқ чолгуларини реконструкция

килиш ва такомиллаштириш, шунингдек, кўповозли ансамбл ва оркестрлар тузиш бир неча ўн йиллаб даво этди. Анъанавий чолгуларнинг эски намуналари ўрнига замонавий ижрочиликнинг юксак талабларига жавоб бера оладиган янги, замонавийроқ намуналари пайдо бўлди. Янги намуналари пайдо бўлгач, мавжуд мусиқа чолгуларини янада такомиллаштиришга уринишлари бўлди. Чанг, гижжак каби чолгуларга кўшимча торлар қўшилгач (қўйилгач), бу уларнинг товуш (оҳанг) доирасини анчагина кенгайтирди. Кўпинча гижжак ўрнида унинг вертикал ҳолати сақланган ҳолда тўрт торли скрипка қўлланила бошланди. 20 ва 30-йилларнинг бошларида мусиқа чолгулари устаси Уста Усмон Зуфаров (1899-1981) кўплаб дутор, танбур, гижжакларнинг турдош оиласини яратди. Матюсуф Харратов чангни такомиллаштириш устида сабот билан ишлади. Ўша пайтда мавжуд чанг кичик диапазон ва диатоник товуш қаторга эга бўлиб, унда профессионал бастакорлар асарларини ижро этиш имкони анча мушкул эди. Изланишлар натижасида М. Харратов чангнинг юқори регистрини кўшича торлар ва харраклар ҳисобига кенгайтирди. Бу ўзгаришни чангчилар маъқуллашди. Бошқа бир йирик халқ созандаси, Ўзбекистон радиоси қошидаги халқ чолгулари миллий ансамблининг раҳбари Юнус Ражабий Уста Усмон Зуфаров билан ҳамкорликда дутор-бас, гижжак бас, гижжак альт намуналарини яратганлар. Бу чолгулар унисон ансамбл таркибига киритилди. Бу ҳол ансамбл товуш кенглигини оркестрникига яқинлаштириш имконини берди.

Бу билан ўзбек халқ чолгуларини такомиллаштириш бўйича махсус устахоналар очиш бошланди. Намангандаги мусиқа устахонасига таниқли халқ созандаси Уста Рўзмат Исабоев (1885-1964) бошчилик қилди. У ижрочилар томонидан кенг қўлланилган бир неча ярим хроматик чанг ясади. Бухорода дутор, танбур, афгон рубобини такомиллаштириш устида Уста Ҳожийота, Уста Тоҳиржон Давлатов, Уста Нажмиддин Насриддинов, Уста Маъруфжон Тошпўлатовлар ишлашди. Тошкентда кўшнай ва сурнай таниқли созандалар Хайрйлла Убайдуллаев, Уста Қаюм сурнайчи такомиллаштиришга уринишди.

Тўхтасин Жалилов Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги ўзбек халқ чолгулари унисон ансамбли таркибига турли ўлчамдаги гижжак турдош оилаларини киритди.

Шунга қарамай, ўзбек мусиқа чолгуларини такомиллаштириш йўлидаги дастлабки уриниш ва ҳаракатлар муаммони асосан ҳал қилмаса ҳам ишни муайян даражада илгари силжитди. 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек чолгуларини системали тарзда такомиллаштириш ишлари қизгин бошланди. А. И. Петросянц раҳбарлиги остида бир гуруҳ соз усталари Уста Усмон Зуфаров, В. А. Романченко, А. А. Кевхоянц, С. Е. Диденко, В. В. Адреевнинг тажриба ва ижодий ютуқларига таяниб, дутор ва танбурни такомиллаштиришга киришдилар. Асос сифатида соф ярим тон ҳосил қилувчи, яъни хроматик тенг ярим товуш қаторига эга бўлган ўн икки босқичли равон суръатларга бўлинган товуш қатор қабул қилинди. Кейинроқ

гигжакларнинг кварта, квинта созли туркуми яратилди, рубоблар такомиллаштирилди. Прима (кичик) рубоби ихтиро қилинди.



Янги муסיқа чолгулари аввалига А. И, Петросянц ташаббуси билан Тошкент муסיқа били юртида ташкил этилган ўқув чолгу оркестрида синалди. Ўзбекистон давлат филармониясининг у рахбарлик қилган ўзбек халқ чолгулари оркестри эса чолгуларни такомиллаштиришда ҳақиқий тажрибахона вазифасини ўтади. Янги типдаги оркестр тузилганидан бошлаб (1938 йил, ноябрь) илмий-тажриба ишлари ўзбек давлат филармониясига юклатилди.

Республикамизда 1943 йили ноёб илмий-амалий даргоҳ ўзбек халқ чолгуларини такомиллаштириш илмий-тадқиқот лабораторияси ва унинг қошида халқ чолгулари музейи ташкил этилди. Ўтган ярим аср мобайнида ўнлаб ўзбек, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва қурд чолгулари такомиллаштирилди. Уларга янги ҳаёт бахш этилди. Бу чолгулар бугунги кунда ҳам нодир оҳанг хусусиятлари ажойиб садоланиши билан тингловчиларга манзур бўлмоқда. Булар қаторига рубоб-прима созини ҳам қўриш мумкин.

Рубоб-прима чолгуси ўзбек халқ чолгулари оркестрининг мизробли чолгулар гуруҳини юқори регистрли чолгу билан тўлдириш мақсадида қашқар рубоби асосида янгидан яратилган создир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор А. И. Петросянц ва чолгу устаси С. Е. Диденколар конструкциясидаги тўрт торли рубоб-прималар дастлаб 40-йилларнинг биринчи ярмида Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти қошидаги экспериментал лабораторияда яратилди. Рубоб-прима юқори регистрли чолгу бўлиб, у кичик октава соль товушидан тўртинчи октава и товушигача кенг диапазонга эгадир. Рубоб-прима

оркестрдаги мизробли гуруҳнинг ижро маҳоратини ва имкониятларини сезиларли даражада бойитади. Бадий ва ижрочилик жиҳатдан катта имкониятларга эга бўлган бу созда жаҳон композиторларининг мумтоз асарларини, ўзбек халқ куйларини, мақолардан намуналарни ва Ўзбекистон бастакорлари яратган мусикаларни ижро этиб келинмоқда. Шунингдек, бошқа чолгулар, гижжак, кашкар рубоби, тор, кеманча, скрипка ва домрачилар учун яратилган адабиётлардан ҳам фойдаланилади.

Рубоб-примани яратилишига шу билан бир қаторда созни ривожига ўзининг катта ҳисса қўшган кўзга кўринган олим, профессор, давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, чолгушунос Ашот Иванович Петросянцнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовордир. Унинг бошчилигида иш олиб борган етук чолгушунослардан С. Е. Диденко, А. А. Кевхоянц, В. А. Романченколари томонидан кашкар рубоби асосида янги рубоб-прима сози яратилди.

Маълумки тадрижий таракқиёт жараёни ҳаётнинг барча соҳаларини камраб олиши табиий бир ҳол. Дунё халқлари чолгу созлари ҳам ана шундай таракқиёт йўлини босиб ўтганлиги бугун ҳаммага равшан. Шунингдек ўзбек халқ чолгулари ҳам бу жараёндан четда қолган эмас. XX асрнинг иккинчи ярмидан чолгуларимиз такомиллаштирилиши натижасида юзага келган рубоб прима чолгуси бугун ҳам такомилга эҳтиёжманд созлардан эканлиги ижрочилик амалиётида кўзга ташланиб қолмоқда. Чолгунинг товуш хусусияти, яъни тембридаги қаттиқлик, садоланиш(обертон)нинг камлиги, шунингдек қуруқ ва дағалроқлиги бунинг асосий сабабларидан бири десак муболага бўлмаса керак. Шу боис мутахассислар, ижрочилар ва устозларнинг таклифи билан, айниқса Ўзбекистон давлат консерваторияси «халқ чолгуларида ижрочилик» кафедраси доценти Қаҳрамон Назиров ҳамда ИИЧЕЛ устахонасининг созгари Бахтиёр Иноятов томонидан изланишлар олиб борилиши натижасида мавжуд рубоб прима чолгусининг мензураси 360 мм дан, 400 мм га узайтирилди.

Натижада чолгунинг товуш сифати анча яхшиланди. «Сўғдиёна» халқ чолгулари камер оркестри созандаси Отабек Мискинов янги прима чолгусини амалиётда тажрибадан ўтказди. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, халқ чолгулари замон талаби асосида мунтазам такомиллаштириб борилиши талаб этилади. Бунинг учун ижрочи мутахассислардан тортиб, мусикашунос-композиторлар ва созгар усталар ижодий изланишларни олиб бориб, ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари зарур, албатта.

Бугун Ўзбекистон замонавий мусиқа ижрочилик санъатида «Сўғдиёна» халқ чолгулари камер оркестри фаолияти алоҳида ўрин тутди. Айнан ушбу оркестр миллий чолгуларимизни жаҳонда тарғиб қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу жумладан ушбу оркестрда йиллар давомида ижод қилиб келган созандалардан М.Отахўжаев, Н.Турсунова, О.Самадов, Н.Ибрагимов, О.Мискинов каби созандалар бу чолгуни АҚШ, Россия, Германия, Франция, Испания, Миср Араб Республикаси, Жанубий

Корея, Ҳиндистон, Қозогистон каби мамлакатларда намойиш этиб, мутахассислар эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Шунингдек, рубоб прима ижрочилигини яққанавоз ижрода Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолгуларида ижрочилик» кафедраси талабалари фаолиятида кузатиш мумкин. Уларнинг ўқув жараёнида консерватория миқёсида, давлат тадбирларида, вилоятларда ва кўплаб ижодий жамоаларда бу чолгуда яққа ижрода, шунингдек ансамбл ва оркестр таркибида фаол ишлатилиб келинаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бугун халқаро танловларда Ўзбекистон ёш муסיқачиларининг иштироклари, айниқса, миллий чолгуларда уларнинг эришаётган муваффақиятларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. М., 1933.
2. Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка Т., 1972.
3. Садыков Ф., Кузнецова Г. Государственный оркестр народных инструментов Узбекистана имени Т. Джалилова. Т., 1990.
4. Одилов А. Ўзбек халқ чолгуларида ижрочилик тарихи. Т., 1995
5. Дадамухамедов А. Рубоб-прима дарслиги. “Муסיқа” нашриёти. Т., 2006.
6. Гочкабаров А. Рубоб прима чолгу ижрочилиги. Ўқув кўлланма. “Муסיқа” нашриёти Т., 2015.
7. Гочбакаров А. Исполнительство на инструменте рубаб прима., Проблемы науки и образования. 2019.
8. Мискинов О. Рубоб прима наволари. “Муסיқа” нашриёти Т., 2015.

